

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ**

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАРИХ” КАФЕДРАСИ

ТАРИХИЙ ЎЛКАШУНОСЛИК

ФАНИДАН ҚИСҚАЧА

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Тошкент – 2010

ТУЗУВЧИ:	“Тарих” кафедраси ўқитувчиси	М.Зикруллаев
ТАҚРИЗЧИЛАР:	Тарих фанлар доктори, профессор	С.Агзамходжаев
	Тарих фанлар доктори, профессор	Б.Хасанов.

“Тарихий ўлкашунослик”

1. “Тарихий ўлкашунослик” - муҳим, нодир, қимматли аҳамиятга молик бўлган моддий ва маънавий ёдгорликларни ҳар томонлама илмий ва амалий жиҳатдан ўрганадиган ва таҳлил қиладиган фандир.

2. “Тарихий ўлкашунослик” фани қуйидаги масалаларни ўз ичига олади:

Тарихий ёдгорликлар. Бунга инсоният ҳаётидаги энг муҳим тарихий воқеалар, жамиятнинг ривожланиш босқичлари, инқилобий ҳаракат бўлиб ўтган жойлар, атоқли саркардалар, йирик давлат, фан ва маданият арбобларининг номлари билан боғлиқ воқеа жойлари, ўтмишдан қолган қўлёзма асарлари ва шу кабилар.

Археология ёдгорликлари. Бунга кўҳна шаҳарлар, қўрғонлар, қалъалар, қадимий манзилгоҳлар, истехкомлар, корхоналар, каналлар, шунингдек йўлларнинг қолдиқлари, қадимий дафн жойлари, тош ҳайкаллар, қоялардаги тасвирлар ва бошқалар.

Шаҳар қурилиши ва меъморчилик ёдгорликлари. Буларга меъморчилик ансамбллари ва комплекслари, тарихий марказлар, кварталлар, майдонлар, кўчалар, шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшайдиган жойларнинг қолдиқлари: фуқаро, саноат, ҳарбий, диний, халқ меъморчилиги иншоотлари киради.

Санъат ёдгорликлари. Бунга монументал, тасвирий, амалий-декоратив ва бошқа турдаги санъат асарлари киради.

Ёдгорлик ҳужжатлари. Бунга марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органларидан қолган турли ҳужжатлар, бошқа ёзма ва чизма ҳужжатлар, кино-фото ҳужжатлари ва товуш ёзувлари, шунингдек, қадимий қўлёзмалар ҳамда архив материаллари, фольклор ва мусиқа ёзувлари, нодир босма нашрлар киради.

Этнографик ва топонимик материаллар. Бунга халқ урф-одатлари, моддий ва маънавий маданият, халқларнинг эртақ, фольклор, мифологияси ҳамда жой номларининг илмий жиҳатдан келиб чиқишини ўрганиш киради.

3. Кўзланган мақсад: 1) ўз ўлкасининг ўтмиши ва ҳозирги ҳаёти тарихини ҳар томонлама илмий асосда ўрганиш йўли билан тўпланган археологик, этнографик, топонимик, нодир қўлёзмалар, архив ҳужжатларини саралаш, тартибга солиш ва таҳлил қилишни; 2) тўпланган ўлка материалларидан ўқув-тарбиявий ишларда ўринли ва самарали фойдаланиб, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

Ўлкашунослик уч турга бўлинади: 1) илмий, яъни давлат ўлкашунослиги; 2) жамоат ўлкашунослиги; 3) мактаб ўлкашунослиги.

Давлат ўлкашунослиги билан республика тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш қўмитаси, музейлар, республика Фанлар академияси қошидаги тарих, археология илмий-тадқиқот институтлари шугулланади.

Жамоат ўлкашунослиги қишлоқ, овул, қўрғон, туман, шаҳар ва вилоят ҳудудидаги тарихий обидаларни сақлаш ва асраш ишларига бошчилик қилиш билан бирга жойларда истиқомат қилиб турган халқларнинг келиб чиқишлари (этногенези), урф-одатларини ўрганади. Бундан ташқари, жамоат ўлкашунослигига мустақил равишда танга пулларни ўрганувчи мутахассислар - нумизматлар, муҳрларни ўрганувчилар - сфрагистлар, тамга (герб)-ларни ўрганувчилар — гералдистлар, тош, металл, сопол ва ёғочдаги ёзувларни ўрганадиган олимлар -эпиграфистлар, эски асбоб-ускуналар ва курол-аслаҳа ҳамда шу каби нарсаларни тўпловчилар ҳам уюшади.

Мактаб ўлкашунослиги ёки таълим муассасаларидаги ўлкашунослик - тарих, инсон ва жамият фани ўқитувчиларининг бевосита раҳбарлигида ташкил қилинади. Бу каби ўлкашунослигининг аъзолари энг интизомли ва аълочи ўқувчи ҳамда талабалардан тузилиб, улар ўлка материалларини тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда тўплайдилар. Тўпланган археологик, этнографик, топонимик ва архив ҳужжатлари мактаб ўлкашунослик ва тарих музейларида намоиши қилинади.

Тарихий ўлкашуносликнинг ривожланиши. 1917 йилга қадар ўлкани ўрганиш масаласи.

Рус олими М.В.Ломоносов ўз ўлкасини мукамал ўрганиш мақсадида 1761 йили 30 саволдан иборат жавоб варақаси тузиб, аҳоли ўртасида тарқатган эди. Айни вақтда бу билан ўлкашунослик фанига асос солинганди. Ўлкани ўрганиш масаласи Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистон ҳудудида Россиядан анчагина кейинроқ, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланади.

XIX асрнинг 30-йилларида Бухоро сарой тарихчиси Муҳаммад Ёқуб ёзган “Гулшан ул-мулук” номли асар ўша давр тарихий манбаларидан бири ҳисобланади. Бу асар форс-тожик тилида ёзилган бўлиб, унда қадимги замонлардан то XIX асрнинг 30- йилларигача бўлган Бухоро амирлигидаги сиёсий воқеалар баёни берилади.

Бухоро сарой тарихчиси Муҳаммад Мир Олимнинг “Тарихи амир Насрулло” номли асаридир. Бу асар Бухоро амири Насруллонинг (1826-1860) топшириғи билан ёзилган. Асар XVIII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигида юз берган сиёсий воқеаларни, ички ва ташқи воқеликларни тасвирлаш билан бошланиб, амир Насруллонинг ҳокимиятга келиши, унинг дастлабки йиллардаги давлатни бошқаришда тутган сиёсати билан тугалланади.

XIX асрнинг 40-йилларида ёзилган йирик тарихий манбалардан бири Муҳаммад Ҳакимхон тўранинг “Мунтахаб ут-таворих” номли асаридир. Асарда XVIII асрнинг 70-йилларидан то Қўқон хони Умархоннинг вафоти (1822), ундан сўнг тахтга ўтирган Мадалихонгача бўлган даврдаги Қўқон хонлиги тарихига доир сиёсий воқеалар тасвирланган.

Тошкентдаги Қорёғди маҳаллалик Муҳаммад Солиҳ Қорахўжа ўғлининг 1880-1885 йиллар орасида ёзган “Тарихи жадида-и Тошканд” (“Тошкентнинг янги тарихи”) номли 1200 бетдан иборат асари ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у Ўрта Осиёда ўтган уч хонликда ёзилган тарихий асарлардан бирмунча фарқ қилади. Асар форс-тожик тилида ёзилган. У ҳукмдорлар ўртасидаги

урушлар тарихидан иборат бўлиб, иккинчи қисми Қўқон хонлиги ва Тошкент тарихига бағишланган.

Машҳур рус зоологи, зоогеографи ва сайёҳи Н.А.Северцов (1827-1886) Туркистоннинг кўп жойларини физик-географик жиҳатдан ўрганишда, жумладан, Помир тизма тоғларининг орографиясини ўрганишда кўп меҳнат ва куч сарф қилди.

Машҳур рус географи П.П.Семёнов-Тяньшанский (1827-1914) Ўрта Осиё, айниқса Тяньшань тизма тоғларининг географик ўрганилишига асос солди.

Рус табиатшуноси ва сайёҳи А.П.Федченко (1844-1873) Туркистон табиатини ўрганишда катта роль ўйнади.

Туркистон босиб олингандан кейин ўлкани харитага тушириш ва иқлимини ўрганиш учун илмий база яратиш масаласи туғилди. 1867 йилда Тошкент метеорологик маркази тузилди.

1868 йил январда Туркистон статистика қўмитаси тузилди. унинг ташаббуси билан 1872 йилдан “Туркистон ўлкаси статистикаси учун материаллар” номли тўплам чиқарила бошланди.

Ўрта Осиё халқларининг турмушига бағишланган, илмий ва ўлкашуносликка доир турли хабарлар ва мақолалар “Туркестанские ведомости” ҳамда “Туркистон вилоятининг газети” (Тошкент, 1870-1917 йиллар) ва бошқа маҳаллий матбуотда мунтазам босилиб турди.

1870 йилда Тошкентда очилган Туркистон халқ кутубхонаси (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси) ўлкани ўрганиш билан шуғулланувчи барча тадқиқотчилар, айниқса маҳаллий ходимлар учун катта аҳамиятга эга бўлди.

“Ўрта Осиёга, айниқса Туркистон ўлкасига тааллуқли Туркистон асарлар ва мақолалар тўплами” жуда ҳам қимматли асар бўлиб, шу кунларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу тўпламни тузиш ишларини кўзга кўринган рус библиографи В.И.Межов Петербургда 1868 йилдан бошлаб 20 йил давомида олиб борган эди. 1888 йилда “Туркистон тўплами”га кирган катта-катта жилдларнинг сони 416 га етганда (булар 1867-1887 йилларда тўпланган материаллар эди) ўлкадаги чор маъмуриятининг буйруғи билан “маблағ йўқлиги сабабли” бу ишлар тўхтатилган эди. В.И.Межов “Туркистон тўплами”га уч китобдан иборат систематик ва алфавит кўрсаткич тузган.

1872 йилда А.Л.Кун ва бошқа шарқшунослар машҳур “Туркистон альбоми” (Туркистон ўлкасининг этнография, археология, касб-ҳунар ва тарихига доир суратли альбом)ни тузиб тамомладилар. Бу нодир асар ҳозиргача ҳам уз илмий қимматини йўқотгани йўқ. Альбом 1262 дона рангли ва рангсиз фотосуратлар ёпиштирилган 447 картондан иборат.

“Тарихий ўлкашунослик (ўлкашунослик, музейшунослик, архившунослик)” фанидан

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

2-мавзу: Тарихий ўлкашуносликда археологик, антропологик ва этнологик, топонимик маълумотларнинг ўрни

1. Ўлкамиз тарихини ўрганишда археология, антропология ва этнология, топонимика фанларининг тутган ўрни ва аҳамияти.
2. Ўзбекистонда олиб борилган археологик тадқиқот ишлари ва уларнинг асосий натижалари.
3. Антропология ва этнология фанлари ва уларнинг тадқиқот объектлари.
4. Қадимги Ўрта Осиё аҳолисининг антропологик қиёфаси ва типологик таҳлили.
5. Ўрта Осиёда туркий тилли халқларнинг тарихий ўрни ва этно-маданий муносабатларнинг босқичлари (қарлуқлар, ўғузлар ва қипчоқлар).
6. Ўрта Осиё антропологик минтақасининг шаклланиши.
7. Ўзбек халқининг этник шаклланиш тарихи.

“Археология” сўзи латин тилидан олинган бўлиб, “архайос” - қадимги, “логос” - фан, яъни қадимги даврни ўрганувчи фан деган маънони билдиради. Археология - ўлкашунослик ва тарих фанларининг асосий манбаларидан биридир.

Дунё халқларининг бир неча юз минг йиллардан бери давом этиб келаётган тарихи бор. Лекин шу узок тарихий тараққиётнинг энг кейинги 5-6 мингинчи йилларидан бошлабгина ёзма асарлар бўлиб, ундан аввал халқларда ёзув ва ёзма тарих бўлмаган.

Ёзув пайдо бўлгандан кейин ҳам кўпгина воқеалар ёзилмай қолган, подшоларнинг буйруқлари, рухонийларнинг диний таълимотлари, ҳазиналарнинг ҳисоб-китоблари ҳамда турли урушлар ҳақидаги ёзма асарлар эса ўз замонасининг ишлаб чиқариш усуллари ва воситаларини, халқнинг маишатини етарлича акс эттирмаган.

Демак, қадимги шаҳар ва қишлоқлар қазиб кўрилганда, у ерлардан қадимги халқларнинг уй-жой қолдиқлари, уй-рўзғор асбоблари, зеб-зийнат буюмлари, эътиқод ёдгорликлари топилади; бу нарсалар эса ёзма тарихдаги маълумотларга қараганда ўша давр турмушини ҳар тарафлама ва аниқроқ ёритиб беришга яради. **Ёзма тарих пайдо бўлгунгача ўтган бир неча юз минг йиллик давр тарихини ҳамда ёзма тарих чиққандан кейинги давр ҳаётини тўла ўрганиш зарурияти ўша давр халқларидан қолган буюмларни текшириб кўришни тақозо этади. Бундай ёдгорлик буюмларини текширувчи фан археологиядир.** Археология ибтидоий одамлар яшаган маконларни, синфий даврдан қолган шаҳар, қишлоқ ва мазорларни қазиб кўриб, тарихни аниқлайди.

Археологлар қазишма усули билан иш кўрадилар. Айниқса, ёзувлар пайдо бўлмасдан бурунги давр тарихини археология қазишмаларида топилган буюмлар тўлдиради

Археология фани ҳали бошқа фанларга қараганда ёш бўлишига қарамасдан, дунёда катта эътибор қозонган ва ҳаммани қизиқтирган фандир.

Ўрта Осиёда археология, юқорида айтилганидек жуда ёш фан. Россияда бу фан XVIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлиб, XIX асрда анча ривожланган. Ўша вақтда олимлар Россия ерларида кўп топилган Ўрта Осиё қадимги танга пуллари тўплаб, уларни текшириб, Россия билан Ўрта Осиё халқларининг қадимдан иқтисодий алоқада бўлиб келганлигини исбот этдилар. XIX асрнинг иккинчи ярмида, Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейин, бу ерга келган ҳар бир мутахассис ва саводли киши қалъалар харобасини, сунъий тепаларни, шаҳарлар харобаларини, қадимдан қолган бино харобаларини кўриб, уларнинг тарихини суриштира бошладилар. Натижада 1870 йилларда Тошкентда чиқа бошлаган газета ва журналларда бу тарихий ёдгорликлар ҳақида турли маълумотлар эълон қилина бошланди. Бундай харобаларни текшириш жараёнида, хатто “Хазина” излаб баъзи тепаларни бузиб юборишгача ҳам бордилар.

Рус шарқшунослари Н.И.Веселовский, В.В.Григорьев, И.Каллаур, В.В.Бартольд, В.Л.Вяткин, шунингдек, ўзбек археологларидан Акромполвон Асқаров ва бошқалар тарихий ёдгорликларни тарихшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш ташаббусида бўлдилар.

Улар бир қанча муҳим ёдгорликларда қазишма ишлари ҳам олиб бордилар. Бу борада, айниқса, археолог-шарқшунос **В.Л.Вяткиннинг** хизматлари алоҳида таҳсинга лойиқдир. Рус шарқшунослари бузиб ташланган Улуғбек расадхонасининг изларини топиш учун кўп уриндилар, ниҳоят, Самарқандда истиқомат қилувчи В.Л.Вяткин қадимги васиқаларни ўрганиш асосида расадхонанинг ўрнини аниқлади. 1908-1909 йилларда бу жой археологик йўл билан қазилди ва расадхонанинг ғилдирак шаклдаги биносининг курсиси, бинонинг бузилган ғишт ва нақшлари ҳамда расадхонанинг саккиздан бир қисми топилди. Бу иш тарих фани учун катта кашфиёт бўлди. Шу билан бирга, археология ҳаваскорлари қадимги Самарқанддаги “Афросиёб” тепалигида бирмунча қазишмалар ўтказдилар.

XX асрнинг 20-йилларигача Ўрта Осиёда археология мустақил фан даражасига кўтарилмади. Археологлар археология ёдгорликларини маълум тарихий босқичдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёт натижаси деб баҳолай олмадилар, ишлаб чиқариш муносабатлари қандай бўлганини пайқай олмадилар, маданиятни ишлаб чиқариш тараққиёти ва ижтимоий муносабатлар маҳсули деб тушуна олмадилар, балки уни биронта дин билан ёки бирорта “алоҳида иқтидорли шахслар» билан боғладилар. Сўнгра археология йўли билан топилган буюмларга фақат ёзма тарихни тасдиқловчи материал сифатидагина қараб, археологиянинг имкониятларини чегаралаб қўйдилар.

Собиқ шўролар даври тарихчилигида бутун инсоният тарихи қуйидаги даврларга бўлиб ўрганиларди:

1. Ибтидоий жамоа тузуми даври.
2. Қулдорлик даври.
3. Феодализм даври.
4. Капитализм даври.

Тарихни даврлаштириш масаласининг кўйилиши тарихчилар ва археологлари ишга солиб юборди. Биринчи беш йиллик охиридаёқ собиқ ССЖИ тарихини, шу жумладан, Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масаласи юзасидан ёзма манбаларни ўрганишга киришиш билан бирга, археология ёдгорликларини қазиб топишга ҳам жиддий эътибор берилди. Бу ишнинг бошида Москва, Санкт-Петербург ва Ўзбекистон археологлари: А.Ю.Якубовский, Г.В.Григорьев, С.П.Толстов, М.Е.Массон, В.А.Шишкин, Я.Ғ.Ғуломов ва бошқалар турдилар. Биринчи иш Ўзбекистоннинг алоҳида районларида археологияга оид қидириш ўтказишдан бошланди.

Масалан, 1925-1930 йилларда Самарқандда В.Л.Вяткин, 1926-1928 йилларда Термизда Б.П.Денике, 1929-1930 йилларда А.А.Потаповлар Фарғона водийсида ҳамда 1932-1933 йилларда Наманган вилоятининг Ўчқўрғон райони Норин дарёси бўйида электростанция қуриш тайёргарлиги муносабати билан Санкт-Петербург археологларидан Б.А.Латинин Фарғона водийсининг шимоли-шарқий районларида; 1934 йили Санкт-Петербург археолог Г.В.Григорьев Янгийўл районида; ўша йили профессор А.Ю.Якубовский бошлиқ Санкт-Петербург ва Ўзбекистон археологлари Бухоро вилоятининг шарқий қисмида, яна ўша йили археолог М.Е.Массон бошлиқ, археологлар Оҳангарон водийсида жиддий археологик қидирув ишларини ўтказдилар.

1936-37 йилларда бу иш кенгайиб, қадимги Термиз шаҳрини қазиб юзасидан илмий ишлар кучайтирилиши билан бирга проф. С.П.Толстов бошчилигида Хоразмда, В.А.Шишкин бошчилигида Бухоро вилоятининг ғарбий қисмида янгидан текширишлар бошланди. Бу илмий сафарлар катта миқёсда уюштирилиб, буларнинг ҳаммасида Москва, Санкт-Петербург ва Ўзбекистон археологлари ҳамкорлик қилдилар. Бу илмий сафарлар 1939-1940 йилларда Ўзбекистонда суғориш соҳасида халқ қурилишлари бошланиши муносабати билан археология кузатишлари ўтказди, бу борада Фарғона водийсида катта натижаларга эришилди.

Ўзбекистонда археология фанининг ривожланишида йирик рус олимлари: А.Ю.Якубовский, С.П.Толстов, М.Е.Массон, А.П.Окладников, В.А.Шишкин, биринчи ўзбек археолог, академик Яҳё Ғуломовнинг хизматлари бениҳоя каттадир. Атоқли олим ўзининг қисқа ва мазмундор ҳаётида тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги даражасига кўтарилди. Истеъдодли олимнинг фан соҳасидаги фаолиятлари учун унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби деган юксак унвон берилди.

Олимнинг ижодий фаолияти ҳам ўзига хосдир. У 1926 йилда Тошкентдаги Ўзбекистон эрлар билим юртини, 1930 йили Самарқанддаги Педагогика академиясини тамомлади. 1931-1932 йилларда Тошкент педагогика техникумида ўқитувчи бўлиб ишлади. Ёшлик чоғидаёқ кенг илмий жамоатчиликнинг эътиборини қозонди. Илмга, тарихга чанқоқлигини сезган машҳур ўлкашунос археолог В.Л.Вяткин уни ўзи раҳбарлик қилаётган кўҳна Афросиёбда олиб борилаётган қазилмаларда иштирок этишга таклиф этди. Я.Ғуломов мустақил археологик тадқиқотларни илк бор 1936 йили қадимги Хоразм ерларидан бошлади. 1933-1940 йилларда Ўзбекистон қадимги давр ва санъат ёдгорликларини муҳофаза қилиш кўмитаси (ўзкомстарис)да илмий ходим, сўнгра илмий котиб бўлиб ишлади. Я.Ғуломов 1940-1943 йилларда собиқ СССР Фанлар Академияси Ўзбекистон бўлими Тарих, тил ва адабиёт

институти археология бўлимининг мудир ва 1943 йилдан Ўзбекистон ФА Тарих ва археология институтининг қадимги ва ўрта асрлар тарихи сектори мудир, институт директори вазифасини бажарувчи (1956-1959 йиллар) бўлиб ишлади. “Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Қадимги замонлардан ҳозиргача” мавзuida докторлик диссертациясини ёклади. Я.Ғуломов 1936 йилдан то умрининг охиригача бир қанча археологияга оид (Тошкент, Бухоро, Фарғона, Хоразм ва бошқа) отрядларга раҳбарлик қилди. Я.Ғуломов 4 жилдли “Ўзбекистон ССР тарихи”, 2 жилдлиқ “Самарқанд тарихи” асарларининг муаллифларидан. Я.Ғуломовнинг Ўзбекистоннинг суғорилиш тарихига доир илмий ишлари қадимги деҳқончилик массивлари (Амударё, Зарафшон, Қашқадарё ва бошқа дарёларнинг қадимги ўзанлари)ни аниқлаш ва ундан халқ хўжалиги мақсадлари йўлида фойдаланишда катта илмий аҳамият касб этади. Я.Ғуломовнинг Ўзбекистон водий ва воҳаларида олиб борган археологияга оид тадқиқотлари Ўзбекистонда қадимги тош даврлари: палеолит, мезолит, неолит, энеолит, жез ва темир даврларини ўрганишда муҳим роль ўйнади. Я.Ғуломов бир қанча халқаро конференция ва симпозиумларда муҳим илмий докладлар билан қатнашди. У ажойиб ташкилотчи ва педагог ҳам эди. Халқлар Дўстлиги орденли Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида Ўзбекистон тарихи ва археологиясидан маърузалар ўқиб, кўпгина ҳозирги замон талабига жавоб берадиган педагог кадрлар етиштирган. 4 томлик “Ўзбекистон ирригацияси” тарихига оид масалаларни ёритишда фаол иштирок этган. Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош тахрир хайъати аъзоси бўлган.

Яҳё Ғуломов бағри кенг ва меҳрибон, ғамхўр одам эди. Ўз шогирдларига фан сўқмоқлари қийинчиликларини енгил йўллари, илмий изланиш услубларини, давр талабларини изчиллик билан қабул қилиш ва уни амалга оширишда фаол қатнашишларини ўргатиш билан ҳам республика олимлари орасида катта обрў-эътибор қозонган.

Ўлкани ўрганишда, айниқса Ўзбекистон водий ва воҳаларининг тарихини, этнографиясини, археологиясини, топонимикаси ва нодир қўлёзма асарларини ўрганишда тарих факультети студентлари учун Я.Ғуломов асарлари дастурамал бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Уларнинг қунт ва матонат билан олиб борган археологияга оид тадқиқотлари туфайли жаҳон аҳамиятига эга бўлган қатор моддий-маданият ёдгорликлари кашф этилди.

Тадқиқот ишларини қаердан бошлаш ва қандай ўрганишни эса ўлкашунослик тўғаракларидаги машғулотларда муҳокама қиладилар.

Тўғарак машғулотларида: 1) тарихий, моддий ёдгорликнинг жойи ва географик шароити; 2) ёдгорликнинг номи ва турлари (қўрғон, шаҳарча, макон ва бошқалар); 3) ёдгорликнинг умумий таърифи (унинг ҳажми, сақланиш ҳолати ва бошқалар); 4) ёдгорликларни квадратларга бўлиб, ўша жойлардан, яъни ер устидан топилган топилмаларни дафтарга батафсил қайд қилиш ва тош қуроллар, сопол синиқлари расмларини дафтарга тушириш ишлари муҳокама қилинади.

Булардан ташқари яна: а) маҳаллий аҳоли шу ёдгорлик ҳақида нималарни билиши, бу ҳақда афсоналар борлигини аниқланади. Бўлса, сўзлаб беришлари илтимос қилинади ва улар ёзиб олинади; б) агар ёдгорлик ўша маҳаллий халқларнинг авлод-аждодларига тегишли бўлса, у ҳолда бирор маданий қатлами қолганми, унинг чуқурлиги, эни ва бўйи, қидириш жараёнида топилган

топилмалар ён дафтарга ёзиб борилади; в) топилган маълумотларнинг даври аниқланади; г) топилмалар янгими ёки олдинги топилмаларни тўлдириш учун хизмат қилишини аниқлаш (бу ёдгорлик археологияга оид картанинг қайси нуқтасида жойлашган). Агар янги бўлса, вилоят музейи ёки тарихий обидаларни сақлаш ва муҳофаза қилиш қўмитасига хабар қилиш вазифалари ҳам юклатилади.

Ўлкашуносликда этнографиянинг аҳамияти

Этнография (этнос - халқ, графхио - ёзиш) - халқ ҳақидаги фан бўлиб, у халқни ўрганувчи, таърифловчи фан ёки халқшунослик фани деб ҳам юритилади. Бу фанни айрим вақтларда “этнология” (лотин тилида “этнос” - халқ, “логос” - сўз, тушунча, фикрлаш) деб ҳам аташган. Баъзи олимлар этнография билан этнология ўртасида маълум даражада чегара борлигини таъкидлайдилар. Баъзи олимлар эса буни инкор этадилар. Аксинча, бу икки фан ўртасида ҳеч қандай чегара йўқ, балки уларнинг бири иккинчисини тўлдиради, изоҳлайди.

Этнография дунё халқларининг маданиятини, маиший ҳаётини, келиб чиқиши (этногенези)ни жойлашиши (этник географияси)ни ва маданият тарихини, ўзаро алоқа ва муносабатларини ўрганувчи фандир.

Этнография тарихий фанлар, айниқса, археология, антропология, география ва тилшунослик билан бевосита боғлиқдир. Бундан ташқари, у ёзма манбалар, географик ҳужжатлар, моддий ва маиший материаллардан ҳам фойдаланади. Мана шу хусусиятлари билан этнография бошқа тарихий фанлардан фарқ қилади.

Инсон ақл-заковати ва қўли билан яратилган ҳамма нарса маданият этнографиясидир. Маданият ҳам ўз навбатида иккига бўлинади: моддий маданият, маънавий маданият.

Этнография фақат моддий маданият билан маънавий маданият ўртасидаги асосий фарқларнигина ўрганиб қолмай, балки улар орасидаги ўхшашлик ва умумий қонуниятларни ҳам ўрганади.

Этнографлар олдида турган кенг ва хилма-хил масалалар этнография фанини бошқа яқин фан соҳалари билан узвий боғлабгина қолмай, унинг ўзини ҳам бир қатор ихтисосларга бўлиб юборди. Булар хўжалик ва техника тарихи, халқ меъморчилиги ва тасвирий санъат, урф-одат ва маросимлар, оилавий тузум, кийим-кечак ва уй-рўзғор, ижтимоий ва маиший турмуш ихтисослари ва ҳоказолар. Лекин, одатда, этнография айрим қитъалар, мамлакатлар ёки халқларга қараб, масалан, Африка, Австралия, Америка, Европа, Ўрта Осиё халқларини ўрганиш, шунингдек, янада торроқ доирада рус, украин, озарбайжон, тожик, ўзбек халқлари ва этнографияга оид гуруҳларни ўрганиш бўйича ихтисосларга бўлинади.

Этнограф олимлар олдида турган муҳим вазифалардан бири - халқларнинг келиб чиқишини, улар ҳақидаги этнографияга оид маълумотларни тўплаш, йиғиш, умумлаштириш ва тадқиқ қилиш ҳамда шулар асосида илмий хулоса чиқаришдан иборатдир

Масалан, ўзбек халқининг келиб чиқиши ва халқ бўлиб шаклланиши жуда ҳам мураккаб жараёни бошидан кечирган.

Маълумки, “ўзбек” этник номининг келиб чиқиши Дашти қипчоқда ташкил топган Оқ Ўрда ва Шайбон улусида, яъни Сирдарё, Орол денгизи ва Волга бўйлари оралиғидаги кенг ҳудудда кучиб юрган, XIV асрдан бошлаб ўзбеклар деб юритилган турк-мўғул қабилалари билан боғлиқдир.

Бу қабилалар XV аср давомида ниҳоятда зўр ҳарбий-сиёсий кучга эга бўлган давлат ташкил қилиб, XVI асрнинг бошларидан Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигида Ўрта Осиёга, шу жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига бостириб киради ва ўрнаша бошлайди.

Айрим тадқиқотчилар ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихини мазкур истило даври билан боғлаб, ўзбек халқининг шаклланиши XV-XVI асрлардан бошланади, деган мутлақо нотўғри фикр юритиб келган эдилар. Йирик олимлар, чунончи, С.П.Толстов, А.Ю.Якубовский, Я.Ғ.Ғуломов, А.Асқаров, Б.Ахмедов, И.Жабборов ва бошқалар ўзбек халқининг бошланғич ядроси Ўрта Осиёда қулдорлик даврида яшаган қадимги сўғдийлар, хоразмийлар, сак қабилалари ва уруғ-аймоқчиликни унутган, кейинроқ кучманчиликдан ўтроқ деҳқончиликка ўтиб сарт номини олган, туркий тилда сўзлашувчи чигил, қорлуқ, яғмо, тухси, арғу каби қавмлардан иборат эканлигини, ўзбек элатининг шаклланиши асосан XI-XII асрларда тугаганлигини ва XVI аср бошларида пайдо бўлган кўчманчи Шайбоний ўзбекларнинг ўзбек халқининг қадимги ядросига аралашиб кетиб, унга фақат ўз номинигина берганлигини асосли далиллар билан исботлаб берганлар.

Кейинчалик кенг миқёсда ўтказилган археологияга оид ва антропологияга оид тадқиқотлар, бизгача етиб келган юнон, араб, форс ва хитой муаллифларининг ва бошқа сайёҳларнинг жуда ҳам ноёб ахборотлари ўзбекларнинг Фарғона, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё водийларида, Хоразм ва Тошкент воҳаларида яшаган қадимий авлод-аждоқларининг этнографияга оид қиёфасини тўлиқ бўлмаса ҳам кўз олдимизга келтиришга имкон беради.

Ўрта асрнинг энг йирик олимларидан истеъдодли тилшунос Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Девону луғатит турк” номли ноёб асарида ўзбек халқининг энг қадимги туркий тилда гапирувчи аجدоқларидан бири бўлган чигил қабилалари Искандар Зулқарнайн юриш қилган даврдаёқ кўп нуфузли этнографияга оид гуруҳлардан ҳисоблангани ҳақида маълумот беради.

XI асрнинг етук шоири ва олими Юсуф Хос Ҳожиб томонидан яратилган, ўз даврининг зўр бадиий асари ҳисобланган “Қутадғу билиг”нинг ана шу чигил қабилалари тили асосида ёзилганини ва бундай ажойиб асар агар узоқ асрлар давомида иқтисодий, маданий бирлик негизида дунёга келган умумий бир тил бўлмаган ҳолда пайдо бўла олмаслигини ҳам эътиборга олсак, у вақтда ўзбек халқининг тили ниҳоятда узоқ тарихга эга эканлигига ишончимиз комил бўлади.

Қадимги хоразмийлар, сўғдий ва саклар ёки массагетлар ҳақидаги айрим маълумотлар антик давр муаллифлари - милетлик Гекатей, Страбон, Геродот, Арриан ва Птоломей асарларида, қадимий форсий ёзувлар ва бутун Ўрта Шарқда тарқалган Зардуштийларнинг муқаддас китоби – “Авесто”да мавжуд.

Ўзбек халқ этнографиясига оид маълумотлар тўплаш XIX асрнинг биринчи ярмида Н.Н.Муравьев, А.Ф.Негри, Н-В.Хаников Г.И.Данилевскийлар олиб борган кузатишлар Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбекларнинг этнографиясини ўрганишдаги дастлабки илмий қадамлар бўлди.

1819-1820 йилларда Хива хонлигига саёҳат қилган капитан Н.Н.Муравьев ўз таассуротларини асар тарзига келтириб катта иш қилди. Н.Н.Муравьев асарининг баъзи бобларида бевосита ўзбекларнинг табиати, диний эътиқодлари, урф-одатлари, маърифати, кийим-кечаги, уй-рўзғори, уруғ-аймоғи каби этнографияга оид соф маълумотлар келтирилган.

1820 йили Бухорога жўнатилган А.Ф.Негри бошчилигидаги дипломатик миссия қатнашчиларидан Э.А.Эверсман, Х.Пандер, П.Яковлев, Будрин ва полковник Г.Мейендорфларнинг китоб ва хотиралари ниҳоятда бой тарихий этнографик маълумотга эга, Г.Мейендорфнинг турли тилларда нашр қилинган “Оренбургдан Бухорога саёҳат” номли китобида Бухоро хонлигининг географик ўрни, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, давлат тузилиши, аҳолиси ва унинг машғулооти, қишлоқ, хўжалиги, суғориш тизими, хунармандчилиги, ички ва ташқи савдо, оила ва хотин-қизларнинг турмуши ҳақида қимматбаҳо маълумотлар келтирилган. Бу борада айниқса 1833-1841 йилларда Оренбург губернаторининг махсус топшириғига биноан ишлаган истеъдодли ёзувчи, фольклорчи, этнограф, врач ва адабиётшунос, машҳур лексикограф В.И.Даллнинг олиб борган илмий ишлари диққатга сазовордир.

Чет эл муаллифларидан бири - форс тилини яхши билган инглиз саёҳатчиси Александр Борис 1831-1832 йилларда Бухорода туриб, муҳим сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва этнографияга оид материаллар тўплайди. Борис ёзиб қолдирган саёҳатномада ўзбеклар ҳақида ниҳоятда қизиқарли маълумотлар мавжуд.

1840-1850 йиллар ичида Қозоғистон ва Ўрта Осиё халқларининг этнографиясини илмий жиҳатдан ўрганишда талантли ака-ука Николай ва Яков Ханиковларнинг хизмати катта. Яков Ханиковнинг 1851 йилда нашр қилинган “Орол денгизи ва Хива хонлиги харитасига изоҳнома” асарида этнографияга алоҳида эътибор берилган. Унинг ишларига П.П.Семёнов ва И.В.Мушкетовлар юксак баҳо бердилар.

Ўша даврларда атоқли шарқшунос олим В.В.Григорьев Оренбургда истиқомат қилган ва у Россияда биринчи бўлиб Шарқ халқлари тарихи курсини ўқита бошлади. Унинг 200 дан ортиқ илмий ишлари орасида Ўрта Осиё халқларига, жумладан, ўзбекларга тегишлилари ҳам мавжуд.

1851 йилда Оренбургга келиб саёҳат қилган В.В.Вельяминов-Зернов ҳам ўзбек халқига оид бир қанча қизиқарли тарихий асарлар яратган.

1858 йилда полковник Н.П.Игнатъев бошчилигидаги Хива ва Бухорога юборилган йирик дипломатик миссия ҳам анча самарали иш олиб борган.

Турк тилларини яхши билган машҳур венгр шарқшунос олим Арминий Вамбери 1863 йили дарвеш либосини кийиб, савдо карвони билан Хива, Бухоро, Самарқанд ва бошқа Ўрта Осиё шаҳарларига саёҳат қилади. Сайёҳ олимнинг Ўрта Осиё ҳақида ёзган асарларида маҳаллий аҳоли, шу жумладан, ўзбек халқи этнографиясига оид қизиқарли маълумотлар бор. У ўзбек уруғлари ҳақида

гапириб, биринчи бўлиб “ўзбек” сўзининг келиб чиқиши тўғрисида мулоҳаза юритади. А.Вамбери 32 ўзбек қабилаларининг рўйхатини беради ва уларнинг кийим-кечаклари, таомлари, ўйин ва мусиқа асбоблари, урф-одатлари ва диний маросимлари тўғрисида ҳикоя қилади. Асар муаллифи айрим бўрттириш, хатоларга йўл қўйганлиги учун уни шарқшунос олимлар, жумладан, В.В.Бартольд анча танқид қилган.

Шундай қилиб, бу айрим жасур ва билимли сайёҳ ҳамда элчиларнинг самарали меҳнати туфайли XIX асрнинг биринчи ярмига келиб ўзбеклар тўғрисида этнографияга оид дастлабки муҳим илмий ишлар пайдо бўла бошлайди.

Рус шарқшунос олимлари форс-тожик ва араб тилларида битилган қулёзма асарларни ўргандилар ва унинг маълумотларини ўзбек халқ этнографиясини ўрганишга татбиқ қилдилар.

Ҳақиқатан ҳам XVI-XIX аср ўрталаригача бўлган давр ичида маҳаллий муаллифлар томонидан яратилган тарихий асарларда баъзи муҳим этнографик лавҳалар бор. Истеъдодли тарихчи, шоир ва мусикашунос Хофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома”, тарих, тиббиёт ва адабиёт соҳасида танилган давлат арбоби Абулғозихоннинг бир неча бор чет тилларга таржима қилинган “Шажараи турк ва мўғул” ҳамда “Шажараи тарокима” каби асарлари мавжуд. Машҳур ўзбек тарихчилари Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Ризо Огаҳий ва Муҳаммад Юсуф Баёнийларнинг “Фирдавс ул-икбол”, “Риёз уд-давлат”, “Зубда ут-таворих”, “Жомий ул-воқеоти Султоний”, “Гулшани давлат”, “Шоҳиди иқбол”, “Шажараи Хоразмшоҳий”, “Хоразм тарихи” каби асарларида XVII асрнинг II ярмидан то XX аср бошларигача Хоразм ва қўшни юртларда рўй берган тарихий воқеалар юксак маҳорат билан тасвирланади. Ўзининг бой мазмуни, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий маълумотларнинг кўплиги ва ранг-баранглиги билан ажралиб турувчи бу тарихий асарлар ўша даврдаги ўзбек халқи этнографиясини ўрганиш учун муҳим манба бўла олади.

Ўзбек этнографияси

Ўз илмий фаолиятини жуда ёшлигидан бошлаган ва 1920 йилда ташкил этилган Ўрта Осиё Давлат университетида келиб ишлаган этнограф профессор Н.Г.Маллицкий, машҳур олимлар М.С.Андреев, А.А.Семёнов, А.А.Динаевлар кейинги йилларда ҳам илмий ишларини давом эттирдилар ва Ўрта Осиё халқлари ҳақида кўпгина тарихий-этнографик асарлар яратдилар.

Асримизнинг дастлабки йилларидаёқ фан ва маърифат органлари Туркистон республикаси ҳудудида этнографияга оид тадқиқотларни ўтказишга катта эътибор берди. 1918 йилда очилган Туркистон халқ дорилфунунида ўзбек этнографиясидан махсус курс ўқитила бошлаши ва бу курс бўйича дастурнинг босилиб чиқиши мазкур фикримизга далил бўла олади.

Ўрта Осиёда 1920-1924 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхатининг ташкилотчиси ва фаол қатнашчиси И.П.Магидович диққатга сазовор иш қилди. У ўзининг аҳоли ўртасида тўплаган тарихий этнографияга оид маълумотларига асосланиб, ўзбек халқи қабилаларининг рўйхати ҳамда уларнинг қисқача этнографияга оид тавсифини берди. Мамлакатимиз аҳолисининг қабилавий таркибини ўрганиш комиссиясининг аъзоси И.И.Зарубин ҳам ўзбек этнографияси ҳақида материаллар тўплаб, баъзи мақолалар чоп этган эди. Шу

йиллари ажойиб географ ва этнограф профессор Н.Г.Маллицкий ўзининг маърузалари ва илмий географик асарларида ўзбекларнинг уруғ-аймоғи ва уларнинг этнографияга оид тавсифини берди. Бутун умрини Ўрта Осиёда ўтказган, маҳаллий тилларни тўлиқ эгаллаган ва нихоятда кўп асарлар яратган истеъдодли тадқиқотчилар М.С.Андреев ва А.А.Семёновлар ҳам ўзбек этнографиясини ўрганишда муҳим ҳисса қўшдилар. 1920 ва 1921 йилларда М.С.Андреев бошчилигида шимолий Фарғона ва Самарқанд вилоятида ўтказилган этнографияга оид илмий сафар нихоятда бой маълумотлар тўплаган эди.

Ўзбекистон ҳудудида урушдан аввалги йилларда катта этнография ишларини ўтказиш дастлаб Ўрта Осиё давлат дорилфунунида ҳамда Қадимги ёдгорликлар ва санъатни муҳофаза қилиш кўмитасида, шунингдек, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро музейларида марказлашган эди. Кейинчалик, 1943 йилда ташкил топган Ўзбекистон фанлар академияси, чунончи, тарих ва археология институтининг этнография бўлими келажакда этнографияга оид тадқиқотларнинг маркази бўлиб қолди.

1917-1990 йилларда пайдо бўлган хилма-хил ва мазмунли илмий тадқиқотлар ўзбек халқининг келиб чиқиши, хўжалик фаолияти, моддий ва маънавий маданияти, ижтимоий ва оилавий турмушини мукамал равишда умумийлаштиришга имкон беради.

Атоқли тарихчи - шарқшунослар А.Ю.Якубовский, А.А.Семёнов ва П.П.Ивановлар ўзбек халқининг келиб чиқиши ва этник таркиби масалаларига ўзларининг мазмунли асарларида анча ўрин берганлар. Бу муҳим масалаларни ёритишда Р.Г.Муқминова ва Б.А.Аҳмедовлар ҳам маълум ҳисса қўшганлар.

Замонамизнинг энг мураккаб ва муҳим муаммоларидан бири миллий масаладир. Ҳар бир халқнинг миллий шаклланиши, этник таркиби ва хусусиятлари, ўзаро яқинлашуви каби масалаларни чуқур тушуниш учун айрим этнографик гуруҳларни ҳар томонлама ўрганиш зарур. Ўзбекларнинг айрим қабила ва уруғларини тадқиқ қилиш ва уларнинг ўзбек миллатига сингиб кетиш жараёнини ўрганишда этнографлардан В.Г.Мошкова, К.Л.Задихина, Б.Х.Кармишева, К.Шониёзов, Т.Файзиёвларнинг илмий ишлари ҳам диққатга сазовордир. Миллатларнинг яқинлашуви масаласини фалсафий жиҳатдан ёритишда Қ.Ҳоназаров ҳам баъзи тадқиқотлар ўтказган эди. Ўзбек этнография гуруҳларидан лоқай, қорлик, қурама, Шимолий Хоразм ва Зарафшон водийсида яшовчи айрим қабилалар анча мукамал ўрганилган. Этнография гуруҳларини, асосан, тарихий-қиёсий услуб, этнографияга оид хариталар ёрдамида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Топонимика тушунчаси ва унинг моҳияти ҳақида

1917 йилга қадар топонимика мустақил фан сифатида ўрганилмай, унинг вазифасини тарихий география фани бажариб келарди.

Топонимика географик номлар, киши исмларини ўрганадиган фан сифатида майдонга келди. Топонимикани “замин тили”, яъни ер тили деб ҳам аташади. **Топонимика атамаси латин тилидан олинган бўлиб, “топос” - жой, “оном” ёки “онима” - ном, умуман жой номини ўрганадиган фан деган маънони билдиради. Географик номлар ва замин қаърида ўрганилмаётган номлар,**

инсонларга қўйилган исмлар топонимиканинг ўрганиш манбаи ҳисобланади.

Топонимика икки объектдан: микро ва макро топонимлардан иборат бўлиб, микротопонимика - грамматик жиҳатдан майда объектларни, яъни “турдош отларни”, микрообъектларнинг номларини, макротопонимика эса атоқли отлар, яъни йирик объектларнинг номларини тадқиқ қилади.

Ҳозирги вақтда топонимика фақат катта ва йирик объектларнинг: тоғлар, ўрмонлар, водийлар, воҳалар, шаҳарларнинг номларинигина эмас, балки кичик объектларнинг - маҳаллалар, даралар; жарликлар, анҳорлар, дарё ирмоқлари, ариқлар ва қўлларнинг номларини ҳам ўрганмоқда.

Географияга оид атамалар турдош отлар топонимика таркибига тўлиғича кирмайди, аммо улар топонимикани ўрганишда катта аҳамиятга эгадир. Номсиз “объект” - топоним эмас. **Топонимика географияга оид жойларни эмас, балки уларнинг номларини ўрганади.**

Топонимиканинг тилшунослик, тарих, география, археология ва бошқа фанларга алоқадорлиги унинг муҳим хусусиятларидандир. Топонимикага оид маълумотлар тадқиқ қилинаётганда тарихий маълумотларга, айниқса археологияга оид текшириш натижаларига суянган ҳолда иш кўриш зарур. Чунки топонимика кўпинча тарихий далилларга ва исботларга муҳтож. Масалан, бирор ёдгорликнинг номини ўрганиш учун, албатта, унинг қайси даврда яратилганлигини ва нима сабабдан шу ном берилганлигини тарихий давр шароити, муҳити нуктаи назаридан тадқиқ қилиш талаб этилади. Тадқиқотнинг ёзма манбаларга кўпинча археологияга оид маълумотларга суянган ҳолда иш кўриш усули номларнинг қўйилган даврини аниқлашга ва номларнинг пайдо бўлишини ўрганишга қўл келади. Бир номнинг ўзгаришини кузатмоқ учун бирмунча вақт кетади.

Шуни унутмаслик керакки, географик номлар ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамият тараққиёти билан мустаҳкам боғлиқдир. Маълум бўлишича, ҳар бир район топонимикаси мураккаб тарихий жараён билан боғлиқ бўлиб, ер остида кўплаб маданий қатламлар мавжудлиги уни синчиклаб тадқиқ қилишни талаб этади. Топонимика методологиясига мувофиқ уни фан сифатида ўрганиш учун топонимларнинг пайдо бўлишига доир маълумотлардан фойдаланиш, номларнинг мавжуд бўлган барча формаларини аниқлаш, ном ва атамаларни ўша жой билан боғлиқ ҳолда танлаш ва энг муҳимларини ўрганиш зарур.

Топонимик асосларга вақт, манбалар ва йўналишлар бўйича жойларга аҳолининг кўчиши, ўрнашиши киради. Топонимлар аниқ тарихий жараён бўлиб, у аҳолининг кўчиши, маданий, иқтисодий ва тил муносабатлари билан вужудга келди, сўнг тарқала бошлайди. Топонимика жамиятнинг муомала воситаси бўлган тилни, унинг иқтисодиётини, маданиятини ва тарихий тараққиётини ўрганиш жараёнида ўсиб, ривожланиб боради.

Топонимик номлар манбаи ва уларни ўрганишда қўлланилган услуб ва усулларнинг тўғрилигини аниқлаш мақсадида ёзма ва бошқа манбалар қўлёзмалар, акт материаллари, аҳоли жойлашган чегараларни акс эттирувчи бош (асосий) ва махсус хариталар ҳамда илмий сафар хариталари билан солиштириб чиқилади. Топонимикада ҳам, моддий ва маданий ёдгорликлар ўрганилганидек, оддийдан мураккабга, яъни бугунги кундан асрлар ичкарисига кириб бориш

зарур. Билиш мураккаб диалектик жараёндир, чунки бу усул билан маданий қатламларнинг энг қадимийсидан бошлаб, то навқиронигача номларнинг манбаи аста-секинлик билан очилади ва номларнинг “ёши” аниқланади. Ўз навбатида топонимик номлар тарих учун ҳам бебаҳо манбадир. Географик номлар узоқ муддатли бўлиб, маълум ҳудуддаги у ёки бу халқнинг тили ҳақида гувоҳлик беради. Номлар маълум бир аҳолининг ҳамжиҳатлиги ёки тарқоқлигига ҳам боғлиқдир.

Топонимиканинг энг катта хизмати шундаки, у архив ҳужжатларини синчиклаб ўрганиш, халқ оғзаки ижоди асосидаги айрим томонлар ва нихоят ҳеч қандай манбаларда акс эттирилмаган номаълум жойларни бизга маълум қилади. Топонимикага оид маълумотлар йиғишда ва жой номларининг келиб чиқишини ўрганишда этнография ҳам катта роль ўйнайди.

Ҳозирги вақтда топонимистлар жой номларини фақат этимологик ва семантик жиҳатдангина эмас, балки сўз ясалиши жиҳатидан ҳам таҳлил қилмоқдалар. Антротопоним кишининг исми, фамилияси, лақабини (масалан, Маҳмуд Кошғарий, Мунис Хоразмий), антротопонимика киши исми, шаҳар, қишлоқ, овул ва шу каби жойларнинг номидан олинган топонимларни (масалан, Тошкентбой, Қўқонбой, Хўжақул), этнотопоним эса қабила, уруғ-аймоқ номига қўйилган номларни (масалан, Қозокбой, Қирғизбой, Ўзбек) ўрганади.

Далварзин, Қўнғирот, Нукус, Митан ва ҳоказоларни истисно қилганда, барча топонимлар икки ва ундан ортиқ таркибий қисмдан (компонентдан) иборат. Бундай қараганда ҳеч қандай қўшимчасиз фақат бир сўздан иборатдай туюладиган Жиззах, Қўқон, Ёзёвон, Ғалча каби топонимлар аслида икки компонентдан тузилган.

Бироқ, Қарши (сарой, қаср), Ҳисор (кўрғон), Бухоро (бихара — ибодатхона), чим (кўрғон), ён (бекат), ёп (канал) каби номлар мустақил топонимлар шаклида учрайди. Баъзан эса қум, зах, супа каби географик атамалар ҳам ҳеч қандай қўшимчасиз топонимлар ҳосил қилган. Бироқ ана шундай биргина географик атамадан тузилган номлар кўпинча шу топонимларнинг халқ оғзида қисқартирилган шакли бўлиб чиқади. Масалан, Қумқишлоқ дейиш ўрнига Қум; Захариқ дейиш ўрнига Зах, Супатепа дейиш ўрнига Супа деб қўя қолишади. Бироқ, ҳеч қандай қўшимчасиз Тол, Пидана (ялпиз), Янтоқ, Тулки каби номлар маънавий жиҳатдан аслида бу ўсимлик ва ҳайвонларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаслиги, кўпинча тамомила бошқа сўзларнинг фонетик жиҳатдан ўзгариши натижасида шу шаклни олган бўлиши мумкин.

Юқорида айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкин: топонимика уч принципга асосланади: 1) топонимларнинг пайдо бўлиш тарихини ўрганиш; 2) топонимларнинг географияга оид маълумотларини аниқлаш; 3) асосий қидирилаётган топонимларнинг барча номдагиларини илмий асосда алоҳида-алоҳида ўрганиб, улардан хулоса чиқаришдир. Бу принциплар қўлланманинг мукаддимасидан то хотимасигача ёритиб борилган.

Ўзбекистон топонимикаси

Географик номларни уларнинг келиб чиқиши ва тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрганиш, уларни классификация қилиш нисбатан яқин вақтларда бошланган. Бу соҳада атоқли топонимикачи А.Х.Востоковнинг хизмати каттадир. У Россиядаги

дарё номларини уларнинг охирги қўшимчаларига қараб гуруҳларга бўлади ва бу қўшимчалар ҳозир бирон маънони англатмаса ҳам қадимги халқлар тилида маълум маънони билдирган бўлса керак, деб тўғри хулосага келади. А.Х.Востоковнинг фикри XIX аср охири - XX аср бошларидаги баъзи бир топонимикачиларнинг асарларида ўз ривожини топди.

XX аср бошларида топонимик тадқиқотлар анча кенг қулоқ ёйди. 2-жаҳон урушидан олдинги даврда олимлардан А.И.Соболевский, Н.Я.Март, С.В.Веселовский, В.В.Бартольд, В.П.Семёнов-Тяншанский, В.Г.Шостакович топонимика соҳасида айниқса самарали ишлар қилдилар. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон топонимикасини ўрганиш соҳасида В.В.Бартольднинг хизматларини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Урушдан кейинги йилларда топонимика ривожига катта бир ўсиш даври бўлди. Эндиликда топонимика соҳасида айрим олимларгина эмас, балки бутун-бутун олимлар жамоаси иш олиб бормоқдалар.

Эндиликда ўлкамизда топонимик тадқиқотлар авж олдирилмоқда. Топонимикага, унинг назариясига доир кўпгина асарлар яратилди.

Бир неча ўнлаб ёш олимлар ҳам топонимика соҳасида самарали иш олиб бормоқдалар. Чунончи, Т.Нафасов “Қашқадарё топонимикаси”, Ш.Қодирова “Тошкент микротопонимикаси”, Э.Бегматов эса антротопонимика - киши номларини ўрганиш соҳасида илмий иш олиб бормоқдалар.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон топонимларини ўрганиш ҳам узоқ тарихга эга. Ўзбекистон топонимикасини ўрганишда машҳур рус шарқшунос олимлари ҳамда тарихчилари: В.Л.Вяткин, Н.Ф.Ситяковский, Л.Н.Соболев, В.В.Бартольд, С.П.Толстов, П.П.Иванов. М.Е.Массон, О.А.Сухарева ва бошқалар бу соҳада жуда катта ишларни амалга оширдилар.

Республика жой номларининг келиб чиқиши тарихини ва миллат, қабила, элат, уруғ-аймоқ номларининг келиб чиқиш тарихини (этногенезияни) ҳамда географияга оид атамаларни ўрганишда Я.Ғ.Ғуломов, Р.Н.Набиев, А.Р.Муҳаммаджонов, Ғ.Абдуллаев, С.Иброҳимов, Ўзбекистонда биринчи топонимик картотека тузишда иштирок этган Х.Т.Зарифов; этнонимлар - Э.Ғозилов М.Шоабдурахмонов, Х.Дониёров, Р.Қўнғиров; географлардан Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев кабиларнинг ишлари диққатга сазовордир.

Топонимик маълумот тўплаш услублари

Топонимикани ўрганиш маълумот тўплашдан бошланади. Бу иш одатда ўлкашунослик бўйича тадқиқот олиб борилаётган микрорайон қишлоқ, овул, колхоз-совхоз ҳудудида, кейинчалик маъмурий район ҳамда вилоят ва ниҳоят жонажон ўлка миқёсида амалга оширилади.

Топонимлардан ном олган буюмлар, ўсимлик, ҳайвонлар шу қадар кўпки, баъзан ҳатто уларнинг этимологияси тўғрисида ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Қўқон арава, бухори қовун, чуст пичоғи каби сўзларда ўша жой номлари ҳамон эсга келиши мумкин. Бироқ, академия (Афина яқинидаги чангалзор), вулкан (Тиррен денгизидаги Вулкано ороли номидан), жерси (Нормандиядаги шаҳар), кофе (Африкадаги Каффа ўлкаси номидан), олимпиада (Грециядаги энг баланд Олимп тоғи номидан), роман (Рим шаҳри номидан олинган) каби сўзларнинг ҳам аслида топонимлар эканини кўпинча ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Қуйида топоним номларга бир қанча мақоллар келтираммиз.

Кимёвий элементлар. Кўпгина кимёвий элементлар жой номлари билан аталган: америций (Америка), галлий (Франциянинг лотинча номи - Галлия), германий (Германия), гольмий (Швециянинг пойтахти Стокгольмнинг лотинча номи — (Гольмия), европий (Европа), индий (Ҳиндистон), лютеций (Парижнинг лотинча номи - Лютеция), полоний (Польша), рутений (Россия), иттрий (Швециядаги Иттербо Қишлоғи) ва хоказолар.

Қитъалар (материклар) ва денгизлар номларидан ҳосил бўлган топонимлар. Австралия - грекча “Жанубия қуруқлик” деган сўз. Антик дунё олимларининг фараз қилишича, жанубий ярим шарда номаълум қуруқлик Терра аустралис инкогнито бўлиши керак эди. XVII аср ўрталарида бу қуруқлик кашф этилгач, инкогнито (номаълум) сўзи тушиб қолади ва жанубий ерни Терра Аустралис дея бошлайдилар. Бир вақтлар уни “Янги Голландия” деб ҳам атаганлар. XIX асрдан эътиборан қисқача Австралия (Жанубия) шакли қарор топди.

Европа - осури тилида эреб – “кун ботиш”, “қоронғулик”, “ғарб” демакдир.

Осиё - русча Азия, хитойча Ясия, японча Адзия. Бу ном дастлаб Гомер достонларида тилга олинган. Милоддан олдинги V асрда Геродот асарларида Осиё деб ҳозирги Туркиянинг ғарбий қисми англашилган. Хуллас, Осиё номи Ўрта денгиз соҳилларига ҳос атоқли отдир. Бора-бора бу ном шарқий ерларга ҳам ёйилиб, умумлашиб кетади ва аввали Қуйи Осиё, сўнгра Буюк Осиё номлари, XVIII-XIX асрларда Кичик Осиё, Ўрта Осиё, Марказий Осиё сингари айрим қисмларни англатувчи номлар пайдо бўлади. Осиё номининг маъноси турлича манба ва адабиётларда турлича изоҳланган: Азия шаҳри номидан, философ Азия исмидан, Азия водийси номидан келиб чиққан деб фараз қилинади, осури тилида асу “кун чиқиш томон”. “Шарқ” маъносида қўлланилган.

Қора денгиз - жанубий халқлар томонидан берилган ном. Қора сўзининг “шимол”, “салқин” деган маъноси ҳам бор. Унинг суви қорамтир бўлгани учунгина Қора денгиз дейилади деб изоҳлаш нотўғри. Милодимиздан аввалги IX-VII асрларда юнонлар Қора денгизни ёки мамлакатимизнинг жанубига жойлашган бу денгизни “узоқ шимол” деб ҳам атаганлар.

Қизил денгиз - арабча “Баҳри аҳмар, грекча Эритрея. Афсонага кўра, Эрон шоҳи Эритр (Қизил қалпоқ) босиб олган ва Нил томон канал қазитган экан. Бошқача изоҳи ҳам бор: қирғоқларида қизғиш сув ўтлари ва чиғаноқлар кўп бўлганидан шундай ном олган.

Ўрта денгиз - Европа, Африка ва Осиё ўрталарида жойлашган денгиз. Грекча Медитеррано – “Ўрта ер” сўзларидан русчага айнан таржима қилинган, ўзбекча шакли шундан қисқартириб олинган. Тарихий шарқ манбаларида кўпинча Рум денгизи, Шом денгизи номлари билан ҳам машҳур бўлган.

Ўлик денгиз - Ғарбий Осиёдаги кўл. Суви жуда шўр ва унда ҳаёт йўқлигидан “ҳаётсиз”, “жониворсиз”, “ўлик денгиз” деб аталган.

Лотин Америкаси - Марказий ва Жанубий Америкада испан ва португал тиллари тарқалган. Бу тиллар лотин ёки роман тиллар гуруҳига киради. Бу ерда яшовчи халқларнинг асосий қисми лотин тилида сўзлашганлиги учун шундай номни олган.

Болқон - Европадаги ярим орол. Туркий тилларда балқон, балхан “тоғ”, “тоғли ер” деган маънони англатади. Туркменистондаги Балхан номини турклар Европага кўчирган бўлиши ҳам мумкин (В.Ф.Минорский).

Босфор - Қора денгиздан Ўрта денгизга ўтадиган ерда жойлашган бўғоз. Туркияда кўпинча Бўғоз, Истанбул бўғози, Қора денгиз бўғози деб аталади. Босфор хонанча “буқа” деган сўз. Афсонага кўра, гўё бу бўғоздан буқалар сакраб ўтган эмиш. Аммо яна бошқа ҳақиқатга яқинроқ изох, ҳам бор. Қадимда бу бўғоздан сузиб ўтадиган кема эгалари бож ҳақини қорамол билан тўлаганлар, шу-шу “буқа тўланадиган бўғоз” номини олган.

Арабистон - Ғарбий Осиёдаги ярим орол. “Араб” аслида “чўл” деган сўз, шундан “чўлликлар”, “кўчманчилар” - араблар сўзи ҳосил бўлган, сўнгра “араблар ери” Арабистон пайдо бўлган.

Австрия - аслида немисча Остеррейх: ост – “шарқ”, рейх “ўлка”, яъни “шарқий ўлка” деган маънони билдиради.

Англия - Ғарбий Европадаги Буюк Британия давлатининг номи; V-VI асрларда континентал Европадан шу ерга сузиб ўтган англ қабилалари номидан олинган.

Ўсимлик ва ҳайвонлардан олинган номлар.

Апельсин - голландча “хитой олмаси” демакдир.

Йоркшир - чўчка зоти (Англиядаги Йоркшир графлиги номидан).

Каштан - буклар оиласидан бўлган дарахт, Кичик Осиёдаги Кастан шахри номидан олинган.

Махорка - Голландиядаги Амесофронт шахри номидан олинган бўлиб, дастлаб амерфор, кейинчалик амерфорка, кейин мафорка ва ниҳоят, махорка деб атала бошланган. Европада махорка чекиш айрим кишиларга зарарли деб тушунтирилгач, кашандалар чекишини ташлай олмай бурунларига ҳидлай бошлаганлар ва уни носовой табак (бурнаки) деб атаганлар. Ўрта Осиё халқлари эса бу тамакини ишлаш технологиясини анча мураккаблаштириб, уни эндиликда бурунга ҳидлаб эмас, балки тил остига ташлайдиган бўлганлар. Унинг номи тобора ўзгариб, ҳозирги нос формасини олган.

Симментал - қорамол зоти (Германиядаги водий номи).

Сардина, “сардинка” - балиқ (Сардиния ороли номидан олинган).

Геология ва география атамаларидан олинган топо-нимлар.

Топонимлар минераллар орасида айниқса кўп учрайди. Буни қуйидаги мисоллардан кўриш мумкин: австолитминерал (Австралия), агат (ўзбек тилида ақиқ дейилади) - қимматбаҳо тош (Сицилиядаги Акаита дарёси номидан), адуляр - минерал (Альп тоғларининг Адул тизмаси номидан), алебастр - ок. гипс (Мисрдаги алебастр шахри ва тоғи номидан), альмандин - қимматбаҳо тош (Кичик Осиёдаги Албанда шахри), аляскит - гранитга ўхшаш қаттиқ тош (Аляска), арагонит (Испаниядаги Арагония пасттекислиги номидан), байкалит (Байкал кўлидан), бирмит - кахрабонинг бир тури (Биржа номидан), индерит -

минерал (Қозоғистондаги Индер тоғлари номидан), мусковит минерал (Москва давлатининг қадимги номидан, Московия), сурик бўёқ (Сурия номидан), туямуюнит - минерал (Фарғона водийсидаги Туямўйин қони номидан), ферганит (Фарғона) ва ҳоказолар. Хазорасп - минг от, Сариосиё - бош тегирмон, Гўрлан - кўр ва ланг сўзларининг бирикувидан ташкил топган. Ҳиндикуш - Ҳинд, куш - ўлим, деган маънони билдиради.

Газламалар. Бостон - АҚШдаги шаҳарнинг номидан, Жерси - Нормандия-Франция қирғоғи яқинидаги орол номидан, Сарпинка - Саратов областидаги Саропта деган номдан келиб чиққан.

Антротопонимика — Туркий “Ахмет”, арабча “Аҳмад - мактовли, мактовга сазовор” деган маънони англатади, ундан Аҳметов деган фамилия вужудга келган; Бахмет - туркий “бой” ёки Аҳмет арабча Аҳмад сўзларининг кўшилишидан Бахметов фамилияси вужудга келган. Сабур (Сабуров) - туркий “сабр”, арабча “собир” (чидамли) сўзларидан олинган. Мамон - туркий мўмин (қобил, беозор, юввош маъноларида) сўзидан олинган Мамонов фамилияси шундан келиб чиққан. Полвонов - туркий тилларда “полвон”, форсча — “пахлавон” (ботир, қаҳрамон маъносида) сўзларидан олинган, кейинчалик русча “ов” кўшимчаси қўшилиб Полвонов фамилияси келиб чиққан. Саймон - туркий “саймон” (абжир, чаққон, дадил маъноларида) - Саймонов фамилияси шундан олинган. Дашиктуркий “дашук” — “ташук” (димоғдор, кеккайган маъноларида) сўзларидан “Дашков” фамилияси, курдюк - туркий “кудурук” — “кузурук” — “куйрук” сўзларидан русча “Курдюков” фамилияси келиб чиққан ва ҳоказо.

Озиқ-овқат номлари. Лағмон (хитойча) — “лағ” - узун, чўзилган, “манн” - хамир, “узун хамир” деган маъноларни билдиради. Бутерброд (немисча) - гўшт ва нон ёки нон ва ёғ деган маъноларни билдиради. Пирог - қорақалпоқларда “бурек”, татарларда эса “чийбурек”, хар иккисида ҳам гўштли пирог деган маъно бор. Бу сўзнинг ўзаги “бур” ўрамоқ, чулғамоқ маъноларини билдирувчи феълдан ясалган, русча “пирог” сўзи шундан келиб чиққан.

Ичимликлар номлари. Топонимларда ичимликлар номлари ҳам маълум даражада ўз аксини топган, масалан: боржоми - минерал сув (Грузиядаги курорт шаҳарнинг номи), есентуки - минерал сув (Шимолий Кавказдаги курорт шаҳарнинг номи), Тошкент минерал суви (Тошкент шаҳарининг номидан олинган) ва ҳоказо.

Булардан ташқари, республикамизнинг барча овул, қишлоқ, посёлка, водийлари ва воҳалари ҳамда вилоятлари номлари ҳам топонимлар бўлиб, уларнинг кўпчилиги ҳали тўла ўрганилмаган. Ўрганилганларидан VII-X синфларда Ўзбекистон халқлари тарихи дарсида фойдаланиш катта ҳам таълимий, ҳам тарбиявий аҳамиятга эгадир. Бу усулда топонимикага оид маълумотлардан фойдаланиш ёшларни тарбиянинг ажралмас қисми бўлган эстетик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг негизи бўлиб хизмат қилади. Биз қуйида Ўзбекистон халқлари тарихи курсини ўқитишда Тошкент воҳаси топонимикаси ва улардан дарсда фойдаланиш намунасини келтирамыз.

СЕМИНАР САВОЛЛАРИ

1. Ўлка тарихини- ўрганишда археология фанининг аҳамияти.

2. Ўлка тарихини- ўрганишда антропология фанининг аҳамияти.
3. Антропология ва этнологиянинг тадқиқот объектлари.
4. Этнографик маълумотларнинг Республикамиз халқлари этник тарихи, ҳўжалиги, урф-одатларини ўрганишда муҳим манба сифатидаги аҳамияти.

Мустақил иш учун:

Ўзбекистонда археология: Ибтидоий жамоа даври, кулдорлик жамияти, феодализм даври. Ўзбек халқи тўғрисидаги этнографияга оид дастлабки маълумотлар. Ўзбек этнографияси. Ўзбекистон ҳудудлари топонимикасини ўрганиш.

Миллий ва диний қадриятлар, урф-одатларни ёшлар онгига сингдиришда музейларнинг аҳамияти

Инсонларнинг маънавий юксалиши, миллий ғояни мустаҳкамлаш, аҳолини миллий, диний қадриятлар, асрий анъана ва урф-одатларга эътиборли бўлишларини тарбиялаш, миллатлараро муносабатлар ҳамда ижтимоий бағрикенгликни фуқаролар онгига сингдиришда музейларнинг алоҳида ўрни бордир. Музейларни тарих, маданият ва санъатнинг хазинаси деб таърифлашади. Улар турли-туман ноёб ва қимматбаҳо ашёларни сақлайди, тарихни ўрганади ва экспозициялар орқали ёш авлодга намойиш этади.

Музейлар ўз халқи, унинг кўп асрлик тарихига муҳаббат, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ва маданий анъаналар асосида озошлик, мустақиллик, миллий давлатчилик учун олиб борган асрий курашларининг моҳиятини теран англаб етган фуқароларни, баркамол авлодни тарбиялашда кўмак беради.

Музей ўтмишни ўрганишга йўл очувчи эшик ва келажакка назар солишга имкон берувчи кўзгудир. Республикамиз музейлари вояга етиб келадиган авлоднинг ахлоқий ва эстетик тарбияси, жамиятнинг маънавий юксалишида муҳим ўрин эгаллаган бой маданий манба ҳисобланиб, ҳозирги кунда тез суратлар билан тараққий этаётган, жўшқин жараёнларни бошидан кечирадиган жамиятга тобора мослашиб бормоқда.

Ўзбекистондаги музейлар тарихига назар ташлаган ҳолда шуни қайд қилиш жоизки, мустақилликка қадар ўлкада фаолият кўрсатган музейлар асосан миллатимиз турмуш тарзининг айрим жиҳатларинигина акс эттирган ҳолос. Улардаги экспозициялар ҳам шўролар тузуми мафкурасини халқ онгига сингдиришга йўналтирилган бўлган. Уларда меҳнатсевар, инсонпарвар, меҳмондўст, раҳимдил халқимизнинг асл қиёфаси, бой маънавий ҳамда маданий меросимизнинг оламшумул аҳамияти очиб берилмаган.

1991 йилда юз берган тарихий воқеалар барча соҳалар сингари Ўзбекистондаги музейлар фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар қилинишига туртки бўлди.

Мустақиллик йилларида музейлар тизими салмоқли даражада ўсди. Хусусан, 1991 йил бошида Ўзбекистонда 68 та давлат музейи бўлган бўлса, 2000 йилга келиб уларнинг сони 89 тага етди. “Ўзбекистон тарихи”, “Темурийлар тарихи”, “Олимпия шон-шўхрати” сингари янги давлат музейлари барпо этилди. Бугунги кунда юртимизда 90 га яқин давлат музейи, машҳур ёзувчи, шоир, рассом, олим ва санъат арбобларининг уй музейлари ҳамда 700 дан ортиқ ташкилот, корхона ва ўқув юртлари қошидаги жамоат музейлари мавжуд.

Мазкур музейлар дунё ҳамжамиятида мафкуравий, ғоявий курашлар тобора авж олиб бораётган ҳозирги вазиятда фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқарашни мустаҳкамлашда давлатимизнинг, халқимизнинг манфатларига хизмат қилиб келмоқда.

Пойтахтимизнинг мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги 2001 йил 1 майда қабул қилинган Фармонларига муфовик бунёд этилган “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи ҳам истиқлол ғояларига асосланган ана шундай тарбиявий масканлардан биридир.

Аждодларимизнинг анъаналарини давом эттириш, ҳозирги кунларнинг қадрига етишга, экспозицияда нафақат бугунги кун, балки келajak учун ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжат ва экспонатларни кўрсатилиши лозимлиги эътироф этилган ҳолда 2008 йилда давлатимиз раҳбарининг “Қатағон қурбонлари хотираси” музейининг фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори асосида музейда катта ўзгаришлар амалга оширилди.

Музейнинг янги экспозициялари миллий ва диний қадриятлар, урф-одатларни ёшлар онгига сингдириш, уларда бағрикенглик, миллатлараро тотувлик анъаналарини шакллантиришда катта аҳамиятга эга.

Жумладан, музейнинг 1940-1950 йиллардаги қатағон сиёсатига бағишланган 8-бўлимида Ўзбекистонга ўз тарихий Ватани ва доимий яшаш жойларидан депортация қилинган минглаб қрим татарлари, турк месхетилари, корейслар ва бошқа халқларнинг тарихига оид маълумотлар берилган.

Маълумки, 1939-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихида энг машъум фожиялардан бири бўлди. Аммо ана шундай оғир кунларда ҳам совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати тўхтамади. Совет ҳукумати уруш арафаси ва уруш йилларида янги баҳона, аниқроғи “фашизмга хайрихоҳлик кайфиятига йўл қўймаслик” баҳонасида чегарадош ҳудудларда яшовчи халқларга қарши этник қатағонларни бошлаб юборди. Бу жараёнда Япония, Туркия, Польша каби мамлакатлар билан чегарадош ҳудудларда, яъни Корея, Қрим, Украина, Белоруссияда яшовчи корейс, қрим татарлари, месхети турклари, поляклар, Поволжье немислари ва бошқа халқлар мутлақо асоссиз ҳамда ғайриқонуний равишда ўз ватанларидан мажбурий равишда бошқа ўлкаларга, хусусан Ўзбекистонга депортация қилинди.

Ўзбек халқининг эвакуация қилинганларга ва мажбуран кўчирилган аҳолига кўрсатган самимий ёрдами ва эътибори ёритилган ушбу экспозиция фуқаролар хотирасида инсон маънавиятининг юксак намунаси, инсонпарварликнинг, бағрикенглик, миллатлараро тотувликнинг ёрқин тимсоли сифатида жой олди.

Музейда мустақиллик йилларида (1991 йилдан кейин) амалга оширилган тарихий ишларга бағишланган алоҳида бўлим мавжуд. Бу бўлимда ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда ўтмишда ноҳақ қораланган ёки сохталаштирилган тарихий адолат ва миллий, диний қадриятлар, урф-одатларнинг тикланиши, истиқлол туфайли берилган имкониятлар ёшлар ҳаётида қандай имкониятларга йўл очиб берилганлиги тарихий далиллар асосида кўрсатилади.

Мазкур бўлимдаги Ўрта Осиё ҳамда қўшни Ўрта Шарқ халқларининг муштарак маънавий мероси, уларнинг қадимги даврлардаги иқтисодий-ижтимоий ҳаёти, дини, маънавий қадриятлари тизими, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, турмуш ва ҳўжалик маданияти тарихини ўрганишда муҳим ва ноёб манба ҳисобланган Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” ҳақида берилган маълумотлар, миллий маънавиятимиз асоси бўлган ислом динидаги икки муқаддас байрам – “Қурбон ҳайити” (1991 йилда) ва “Рамазон ҳайити”нинг (1992 йилда) биринчи кунлари умумхалқ байрами сифатида нишонланиши тўғрисида Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилинган махсус қарорлар, мамлакатимиз ҳудудидан етишиб чиққан буюк ислом алломалари бўлган Имом Бухорий, Термизий, Мотурудий, Марғинонийларнинг илмий меросини ўрганилиши ва шўролар тузуми даврида харобаларга айлантирилган мақбараларининг обод гўшаларга айлантирилиши борасидаги

материаллар ўз моҳиятига кўра, мамлакатда динлараро бағрикенглик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон мустақиллигининг қўлга киритилиши миллий урф-одатларимиз, жаҳон тан олган удум ва кадриятларимизни қайта тиклаш имконини берганлиги эса ниҳоятда катта таъсир кучига эга бўлган, инсонийлик фазилатларини тарбиялашнинг энг самарали воситалари бўлмиш миллий байрамимиз – Наврўзнинг халқимизга қайтарилганлигига бағишланган экспозицияларда ёритиб берилган.

Шу билан бирга, Амир Темур, Захириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Мангуберди сингари юртимиз тарихида чуқур из қолдирган саркарда ва ҳукмдорлар ҳақидаги тарихий ҳақиқатларнинг тикланиши ўз аксини топган экспозициялар шубҳасиз, ёшлардаги миллий ва жанговор руҳни юксалтиради. Улар сингари буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлишга интилган ҳар бир юрт ўғлини жасур, уddaбурон, эпчил ва ҳақгўй шахс бўлишга ҳаракат қилади.

Қолаверса, музейга келадиган ҳар бир юртдошимиз қалби ва онгида ватанпарварлик, ўз халқига муҳаббат ва садоқат ҳиссини уйғотиш, айниқса, ёшларимизнинг бугунги дорилмон кунлар кадрига етиш, миллий ва диний кадриятларимиз, урф-одатларимизга юксак ҳурмат билан муносабатта бўлмоқликка ундаш – экспозицияларнинг ғоявий асосини ташкил қилади.

Умуман олганда дунё ҳамжамиятида миллатларнинг ватанпарварлик руҳинини мустаҳкамлаш, маънавий дунёсини бойитиш, ўз халқи, юрти ва давлатига содиқ шахс сифатида тарбиялашда санъат ва маданият қошоналари, хусусан музейларнинг алоҳида ўрни бор. Бинобарин, айниқса музейлар кишиларнинг дунёқарашини кенгайтиради, тарихий ҳақиқатни англаш, ўтмиш ва бугунни қиёслаш ва ўз эртасини қуришда қандай ақидаларга суянишини белгилаб беришда катта рол ўйнайди.

Хулоса қилиб айтганда, халқимизнинг асрлардан асрларга ўтиб келаётган кадриятлари, анъана ва урф-одатларини ўрганиш, тарғиб қилишда музейларнинг ҳиссаси тобора ошиб бормоқда. Зеро, музей – тарих кўзгуси, унга теран нигоҳ солган ёшларимиз маънан етук инсонлар бўлиб вояга етишлари шубҳасиз.